

Январь - 2015

64-95-210 шўф

# Янги йил барчамизга муבורак бўлсин!



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 1 (12.814)

Баҳоси эркин нарҳда

# ТО'QQАШМИ ОҚШОМИ

2015 йил 1 январь, пайшанба

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошларим!  
Мана шу файзли дамларда сиз, азиз юрtdошларимга аввало ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан табрик-лаб, барчангизга чин қалбимдан сизат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотиржамлик ва фаровонлик тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан.



Кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун янги йилда ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблаг уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг бир минимал ойлик ҳажмидаги маошидан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгилик авваламбор бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни шу дақиқаларда яқини етиб бораётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва ҳосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.

Айни шу тadbирлар ҳисобидан меҳнатқашларимиз камида 120 миллиард сўм наф кўради. Янги йилда бериладиган бундай имтиёزلарнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Бунинг исботини аввало биз кўзлаган буюк мақсад бўлмиш — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Инфляция даражаси, яъни нарх-навонинг ўсиши тахминан 5,5-6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Айниқса, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда, ҳеч шубҳасиз, ўтаётган йил ҳаётимизда чуқур из қолдириши муқаррар.

Келгуси йилда одамларимизнинг турар-жой шароитларини яхшилаш, янада обод этиш, коммунал-маиший хизмат кўтариб келаётган тубдан оширишга алоҳида эътибор берилади.

Бунинг тасдиғини юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишларда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётганида, қад ростлаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли ҳақиқатан ҳам гурур ва ифтихорга тўлади.

2015 йилда қишлоқ жойларда яшаётган 12 мингта оила шаҳар шароитидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Айтиш керак — ўтган даврда биз эришган айрим кўрсаткичларни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамадан, Ўзбекистонимизнинг sanoқли давлатлар қаторида охириги 10 йил давомидаги иқтисодий ўсиши, яъни, содда қилиб айтганда, фаровонлигимизнинг юксалиш суръатлари узлуксиз равишда 8 фоиздан кам бўлмайдиган келмоқда ва 2015 йилда ҳам бу кўрсаткичдан кам бўлмайди, иншооллоҳ.

Қадрли дўстларим!  
Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берганимиздан халқимиз албатта яхши хабардордир.

Азиз юрtdошларим!  
Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққийёт йўлида барқарор суръатлар билан қадам кўётганида, обод ва фаровон ҳаёт қураётганида бу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини, бутун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибатлик туйғуси нақадар катта бойлик эканини барчамиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Бунинг замирида ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вақилларини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дусони олишдек савобли ва олижаноб мақсадлар мужассам эканини, ўйлайман-ки, барчамиз яхши тушунамиз.

Бунга иқрор бўлиш учун аввало ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни, яқин ва узоқ атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилиқлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қон тўкилишларни кўриб-кузатиб турганимиз ҳеч кимни тинч ва бепарво қолдирмайди, албатта.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, мухтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам кўяр эканмиз, биз учун миллий ўзлгимиз тимсоллига айланиб кетган каттага — ҳурмат, кичикка — иззат, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига синдиришда кириб келаётган йил муҳим, юксак бир босқич бўлишига ишонаман.

Минг афсуски, бундай кескинлашувлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги ноаниқ вазият ва танглик давом этишининг қутилиши — бундай таҳликали аҳвол барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик ва сафарбарлигимизни оширишни, содда қилиб айтганда — бўш келмаслигимизни талаб қилади.

Айни шундай ноёб фазилатларга эга бўлаётганимиз яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлганининг гувоҳи бўлдик.

Бир муҳим масалани эсимиздан, ҳаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллектуал тараққийёт ва интернет замонида яшаётганимизни инobatта оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволаиши

кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшайи мумкин.

Айни шу ҳақиқатни англаган ҳолда, 2015 ва келгуси йилларнинг режалари ва янги марраларни эгаллаш ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришган ютуқларимизга, тўплаган тажрибаимизга суяниб, келажакимиз стратегиясига айланган Концепцияимиз асосида олиб бораётган ишларимизни изчил суръатлар билан давом эттиришимиз зарур.

Шу борада амалга ошираётган барча ислохотларимизнинг туб илдизи — томирида ётган масалаларга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

**Сўз кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси ҳақида — хусусий мулк ва хусусий тadbиркорлиқни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.**

Яна бир устувор масала — бутун жаҳон миқёсида иқтисодий ва сиёсий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инobatта олган ҳолда, **иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасини узлуксиз техника, технологик янгилаб бориш ва модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишдир.**

Шу масалалар билан чамбарчас боғланган яна бир вазифа — **иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қай даражада бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришдан иборат.** Очигини айтганда, мана шу ўта муҳим ислохотларимизни ярим йўлда қолдирмасдан, мантқий яқини етиб бораётган марра бизники.

Бошқача айтганда, айни шу асосда эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳали-ҳамон мерос бўлиб келаётган, одамларнинг норозилигини кўзгаётган барча қолдиқлардан воз кечишга имкон туғдирамиз, улардан озод бўлаемиз.

Хурматли юрtdошлар!  
Янги — 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухтастар айтганда, инсон омилини янада юксалтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафакалар миқдорининг ўртача ўсиши 22 фоиздан кам бўлмасдан, аҳолимизнинг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кучга айланаётган ёш авлоди-мизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб ва энг муҳими — эртанги кунимизни биз ўзимиз, она юртимиз учун қуряпмиз, деб дадил майдонга чиқаётганининг намоийиши, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен яқинда, Конституцияимиз байрамига бағишланган тантанали мажлисда кимки асл демократияни кўроқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин, деб айтганим бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бундай халқ олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди, албатта, азизларим.

Қадрли ва мухтарам ватандошларим!  
Янги йил кириб келишига sanoқли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Хар биримизнинг пок ният ва тилақларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!  
Янги йил барчамизга муבורак бўлсин!

Ислom **КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Янги, 2015 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, чет эллик жамоат арбоблари томонидан юрtdошимиз ва мамлакатимиз халқига бахт-саодат, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилаб, эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.**

● Янги йил байрами арафасида Фарғона вилояти Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси терапия бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидаги «Нуриммат Курбонов» кўп тармоқли фермер хўжалигида паррандачилик фабрикаси ишга тушди. Парҳез гўшт маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона 35 минг товуқ боқиси қувватига эга.

● Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани Ғалаба маҳалласида янги қурилган 12 хонадонли «Қамолот» уйи фойдаланишга топширилди.

● Янги йил байрами арафасида Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан бунёд этилган 17 та спорт иншооти ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фойдаланишга топширилди.

### ЖАҲОНДА

● Буэнос-Айрес (Аргентина) шаҳри кўчаларидан бири Гиннеснинг рекордлар китобига киритилиши мумкин. Чунки ундаги бинолар деворларида маҳаллий рассом томонидан турли манзаралар акс эттирилган. Чизилган расмларнинг умумий майдони икки минг квадрат метрни ташкил этади.

● Буюк Британия Қироллик зарбхонаси ўз тарихида илк бор 100 фунт-стерлинг қийматидаги тангаларни зарб этишни бошлади. Ушбу пул бирлиги 2015 йилнинг биринчи кунидан эътиборан муомалага киритилади.



Реклама ўрнида

**“7- АВТОБУС САРОЙИ” ОАЖ ЖАМОАСИ  
ҚАДРАЙ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ  
ВА СОҲА ХОДИМЛАРИНИ**

қутлуғ қадамлари билан кириб келган  
Янги — 2015 йил билан сāmимий қутлайди.  
Азизлар, Кексаларни эъзозлаш йилида  
барчангиз ҳурмату эҳтирōмда яшанг.  
Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин,  
ишларимиз доимо ўнғидан келсин!



**«МАҲАЛЛА»**

**ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ МИРЗО  
УЛУҒБЕК ТУМАН БЎЛИНМАСИ ЖАМОАСИ**

азиз ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз  
меҳмонларини Янги — 2015 йил билан  
муборакбод этади. Мафтункор диёримизга  
янгича сурур баҳиш этаётган бу файзли  
айём хонадонимизга тўкинлик-сочинлик  
олиб келсин.

Маҳамаларимизда доимо тўйлар  
тўйларга уланиб кетсин.  
Барча орзу-умидларингиз ушалсин!



**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ  
ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

юртимиз аҳлини ЯНГИ — 2015 йил

билан муборакбод этади!

Тилагимиз — она Ватанимизнинг  
обод ва фаровонлиги янада ошаверсин,  
Халқимиз саломат, юртимиз тинч,  
дастурхонимиз тўкин бўлсин,

Байрам шуқуҳи қалбларимизга сурур,  
хонадонларимизга файзу-  
барака ва фаровонлик  
олиб келсин!

**ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИНГИЗ**

**ҚУТЛУҒ БЎЛСИН,  
АЗИЗЛАР!**

**“3 - АВТОБУС САРОЙИ” ОАЖ ЖАМОАСИ**

ҳамшаҳарларимиз  
ва пойтахтимиз меҳмонларини Янги  
— 2015 йил билан  
муборакбод этади.

Яратувчанлик завқи билан  
яшаётган юртдошларимизга  
она Ватан тинчлиги, кўнғил ободлиги ва  
оила бахтиёрлиги ҳамisha ҳамроҳ бўлсин.  
Қилаётган меҳнатимиз, эзгу  
саъй- ҳаракатларимиз  
юртимизга, оилаларимизга  
бахт ва омад олиб келсин!



DAVIBANK AZIZ XAMSHAХARLAR! Сизларни янги – 2015 йил байрами билан чин қалбдан қутлаймиз. Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва шодлик тилаймиз. Алло кайфият доим ҳамроҳингиз бўлсин!

ХАСТАЛҚ ТЕЛЕДАСТУРАР

Ўзбекистон 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 Миллий сериал: «Аммажоним-аммажон»...

1.00 «Ахборот» (рус.). 1.30 Миллий сериал: «Сардор». 1.55 «Корачик»...

2014. 1/8 финал. Коста-Рика – Греция. 11.00 «SPORT REPORT». 11.10 АНОНС. 11.15 «Матонат»...

Ўзбекистон 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 Миллий сериал: «Аммажоним-аммажон»...

20.20 «Сўз ёшларга». 21.10 «Салтанат силрлари». Т/с. 22.00 «Давр»...

8.10 «Sport Meteo». 8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати-2014. 1/8 финал. Аргентина – Швейцария...

Ўзбекистон 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 Миллий сериал: «Аммажоним-аммажон»...

22.30 «Оқсуяқ изқувар». Т/с. 23.00 «Жаҳон мусикаси». 00.30 «Муъжизавий дунё»...

11.00 «ХАБАРЛАР NEWS». 11.10 Чанга спорт. Жаҳон Кубоги. 11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар...

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Қўнғироқ қилинг, сўранг, билиб олинг

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ
• Ёнғин хавфсизлиги хизмати 101
• Милиция — 102
• Тез ёрдам — 103

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ
• Тўғри ўтказичларни таъмирлаш хизмати — 1068
• Марказий алоқа тармоғи — 1086 — 235-04-25, 235-09-10

МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ
• Ичимлик суви тармоқлари — 252-60-08, 252-55-78
• Шаҳар оқова сув тармоқлари — 235-40-11, 235-62-20

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ
• Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
• Утпепа — 274-44-34
• Бектемир — 295-14-43, 295-16-90

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИНГ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ
• Тошкент шаҳар электр тармоқлари қоржонаси — 1055
• Бектемир туман электр тармоғи — 295-10-62, 295-02-44

ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚАБУЛХОНАЛАРИ
• Утпепа — 274-33-11
• Бектемир — 295-02-46
• Миробод — 291-58-02

ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМЛАРИ
• Утпепа — 272-80-79
• Бектемир — 295-02-39
• Миробод — 291-58-02

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ
• «103» бўйича навбатчилар — 236-73-32
• Олмазор 2-болалар ва катталар — 248-46-77

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРУФИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМГАРМАСИ
• Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
• Утпепа — 272-90-08

ШАҲАР ШАҲАР БОШҚАРМАСИ
• Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
• Утпепа — 272-90-08
• Бектемир — 295-06-23

ШАҲАР ШАҲАР БОШҚАРМАСИ
• Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
• Утпепа — 272-90-08
• Бектемир — 295-06-23

ШАҲАР ШАҲАР БОШҚАРМАСИ
• Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
• Утпепа — 272-90-08
• Бектемир — 295-06-23

ШАҲАР ШАҲАР БОШҚАРМАСИ
• Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
• Утпепа — 272-90-08
• Бектемир — 295-06-23

ШАҲАР ШАҲАР БОШҚАРМАСИ
• Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
• Утпепа — 272-90-08
• Бектемир — 295-06-23